

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МИРТУХТАЕВА МАЛИКА БАХТИЯРОВНА**

**ГИГАНТ ГИПОФИЗ АДЕНОМАЛАРИ, КЛИНИК-ДИАГНОСТИК  
ЖИХАТЛАРИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Миртухтаева Малика Бахтияровна**

Гигант гипофиз аденомалари, клиник-диагностик  
жихатлари, хавф омиллари ва даволаш усуллари..... 3

**Миртухтаева Малика Бахтияровна**

Гигантские аденомы гипофиза, клинико-диагностические  
аспекты, факторы риска и вопросы лечения..... 25

**Mirtukhtaeva Malika Bahtiyarovna**

Giant pituitary adenomas, clinical and diagnostic aspects,  
risk factors and treatment issues..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МИРТУХТАЕВА МАЛИКА БАХТИЯРОВНА**

**ГИГАНТ ГИПОФИЗ АДЕНОМАЛАРИ, КЛИНИК-ДИАГНОСТИК  
ЖИХАТЛАРИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2210 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Урманова Юлдуз Махкамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шагазатова Барно Хабибуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Насирова Хуршида Кудратуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Ю. Халимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.А. Мирсаидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Г.А. Алимухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Нофаол гипофиз аденомаларида (НГА) кеч аниқланиши, қайталаниш юқори хавфи ва беморларни юритиш тактикалари етарлича ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ ҳолда жиддий клиник муаммо ҳисобланади. Бу ўсмалар катта ўлчамларга етиб, бош миянинг атрофидаги тузилмаларини сиқиши ва нейроэндокрин бузилишларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги маълумотларга кўра, гигант НГА жарроҳлик йўли билан олиб ташланганидан сўнг қайталанишлар ҳолати 30–40% ни ташкил этади [Caretto A, Lanzi R, 2017]. Қолдиқ ўсма тўқимасини кузатиш ва оптимал терапевтик стратегияларни белгилаш борасида ва жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги даврда кузатув стандартлар мавжуд эмаслиги ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади [Aflorei ED, Korbonits M., 2014].

Охирги эпидемиологик маълумотларга кўра, нофаол гипофиз аденомаси (НГА) учраши 100 000 аҳолига нисбатан 7–41,3 ҳолат, йиллик учраш ҳолати эса 100.000 /0,65–2,34 ҳолатни ташкил қилмоқда. [Balogun JA, Monsalves E, Juraschka K, и др.2015; Basolo F, Macerola E, Poma A.M.2023.]. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг эндокин ўсмалари таснифига кўра (ЖССТ, 2017), НГА саккизта тўқима турига ажратилади, бироқ гистопатологик хусусиятлар ва клиник кечиш ўртасида аниқ корреляция аниқланмаган [Esposito D, Olsson DS, Ragnarsson O., 2019].

Жаҳонда фаол бўлмаган гипофиз ўсмалари ривожланишининг молекуляр-генетик асосларини, агрессив кечишининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, соматостатин аналоги Сандостатин-Лар терапияси билан даволашга чидамли фаол бўлмаган гипофиз ўсмалари муқобил даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, фаол бўлмаган гипофиз ўсмалари қайта ўсма ўсиши хусусиятлари билан уюшганлиги, унинг инвазивлик даражаси, Ki-67, p53 ядро экспрессиясинининг нисбатининг ўзгариш муаммоларини, уларнинг информативлиги, шунингдек, иммуноцитохимик ва иммуногистохимик омилларнинг фаол бўлмаган гипофиз ўсмалари ривожланишидаги роли ва уларнинг прогностик омил сифатида самарадорлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда эндокринология хизматини такомиллаштириш, нейроэндокрин касалликларнинг диагностикаси ва даволаш усулларини яхшилаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқот республиканинг тиббиёт ва фармакология соҳаларидаги илмий-техникавий устувор йўналишларига ҳамда давлат стратегик дастурларига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 26 январдаги

ПҚ-102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Гипофиз аденомалари барча бош мия ўсмаларининг 7,3–18% ни ташкил этади ва асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларда аниқланади [Файзуллаев Р.Б., 2009; Пацко Я.В., Гук А.Н., Плавский Н.В., 1986]. ЖССТ таснифига кўра, бешта агрессив гипофиз аденомаси тоифаси мавжуд бўлиб, улар қаторига нофаол кортикотроф ўсмалар ва плюригормонал Pit-1-позитив аденомалар киради [Basolo F, Macerola E, Roma AM, 2023]. Бироқ, шу кунгача аденомаларнинг инвазив ўсиши ва қайталанишини башорат қилиш имконини берадиган ишончли иммуногистохимик маркерлар аниқланмаган.

Ўзбекистонда НГАларнинг диагностика ва даволаш масалалари проф. Халимова З.Ю. томонидан ўрганилган, шунингдек, НГАда фертилик ва эндотелий дисфункцияси бўйича тадқиқотлар Насирова Х.К. ва Холова Д.Ш. томонидан амалга оширилган. Бироқ, шу пайтгача макро- ва гигант НГА бўлган беморларда жаррохлик амалиетидан кейинги гормонал ўзгаришларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагиларнинг барчаси ушбу тадқиқотга сабаб бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика Ихтисослаштирилган Илмий Амалий Эндокринология тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** гигант нофаол бўлган гипофиз аденомаларининг клиник ва диагностик хусусиятларини, уларнинг ўсиши ва қайталанишида хавф омилларининг ролини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Гигант НГАларнинг турли йўналишларда ўсиши билан боғлиқ нейроэндокрин бузилишларни баҳолаш;

Гистологик хусусиятлар, МРТ маълумотлари ва бошқа агрессивлик маркерларининг инвазив ўсиш қобилиятига таъсирини аниқлаш;

Ki-67 ва p53 ядровий экспрессиясининг гигант НГА қайталанишини башорат қилишдаги аҳамиятини ўрганиш;

Гигант НГАли беморларни операциядан кейин юритишда Сандостатин-Лар терапиясининг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021–2023 йилларда акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РСНПМЦЭ да даволанган 151 нафар гипофиз аденомаси (МКБ-10 D35.2) ташхиси қўйилган беморлар киритилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иммуногистохимик таҳлиллар учун гипофиз макропрепаратлари ҳамда гормонал ва биокимёвий тадқиқотлар учун қон зардоби ишлатилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда: Клиник- биокимёвий, гормонал (қон зардоби), иммуногистохимик, магнит-резонанс томографияси (МРТ), статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

макро ва гигант нофаол гипофиз аденомаларининг клиник кўриниши ва нейровизуал хусусиятларини баҳолаш асосида Ki-67 ва p53 маркерлари ядровий экспрессиялари макро ва гигант нофаол гипофиз аденомаларининг такрорий ўсишини башорат қилиши исботланган;

Сандостатин-ЛАР гипофиз безининг олдинги бўлагининг ўсиш гормони секрециясини ингибирлашда узокроқ таъсир қилиш билан тавсифланганлиги туфайли, препаратнинг гигант нофаол гипофиз аденомаларини даволашда самарадорлиги илк марта исботланган;

гипоталамус-гипофиз-периферик ўқи ва гипофизни МРТ комплекс баҳолаш асосида гигант гипофиз аденомалари бўлган беморларнинг хусусиятларини тавсифлашга имкон берадиган касалликнинг клиник ва диагностик мезонлари ишлаб чиқилган;

гигант гипофиз аденомаларининг клиник кўринишининг хусусиятлари, асоратларнинг учраш тезлиги, спектри ва уларнинг асосий симптом комплексларини баҳолаш асосида агрессивликнинг клиник ва нейровизуал белгиларининг аҳамиятини таъкидлаш ва бошқарув алгоритмларини ишлаб чиқиш, ҳамда даволаш тактикасини танлаш ва касалликни башоратлаш имконини бериши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Гигант НГА диагностикасини клиник-неврологик, эндокринологик ва МРТ параметрлари асосида оптималлаштириш;

Инвазив ўсиш ва кайталаниш хавфини Ki-67 ва p53 экспрессияси ёрдамида аниқлаш;

Гигант НГАли беморлар учун операциядан кейинги медикаментоз даволаш юритиш схемаларини клиник амалиётга жорий этиш;

Гормонал, нейроэндокрин ва офтальмологик асоратларнинг диагностикаси ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** . Тадқиқот натижалари клиник ва лаборатор-инструментал маълумотлар, статистик таҳлил ва миллий ҳамда халқаро тадқиқотлар билан солиштириш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ki-67 маркерининг, p53 нинг ядровий экспрессиясининг макро ва нофаол гипофиз аденомасининг инвазияси ва кайталанишини башорат қилиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу патологияси бўлган беморларда турли хил асоратларни (дисгормонал, нейроэндокрин, офтальмологик) ташхислаш ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, Соматостатин аналоги Сандостатин-Лар катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гигант гипофиз аденомалари, клиник-диагностик жихатлари, хавф омиллари ва даволаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* биринчи марта макро ва гигант нофаол гипофиз аденомаларининг клиник жихати ва невровизуал хусусиятларини баҳолаш асосида Ki-67, p53 маркерлари ядровий экспрессларини макро ва гигант нофаол гипофиз аденомаларининг такрорий ўсишини башорат қилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8 н-р /1531-сон билан тасдиқланган «Макро ва Гигант нофаол ўсмаларида Соматостатин аналоги ( Сандостатин – Лар ) қўлланилиши» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали бўйича 03.07.2023 йилдаги 6-сон ҳамда Наманган вилоят эндокинология диспансери 03.07.2023 йилдаги 79-сон буйруқлари билан амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/46-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатилган. Олинган илмий натижаларни амалда татбиқ этиш тиббиёт муассасаларида профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволанишни жорий этиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 12000000 сўм бюджет маблағлари беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатиши ва профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволаш усулини татбиқ этиш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* Сандостатин Ларнинг гигант нофаол гипофиз аденомаларини дори воситалари билан даволашда самарадорлиги илк марта самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8 н-р /1531-сон билан тасдиқланган «Макро ва Гигант нофаол ўсмаларида Соматостатин аналоги (Сандостатин – Лар) қўлланилиши» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали бўйича 03.07.2023 йилдаги 6-сон ҳамда Наманган вилоят эндокинология диспансери 03.07.2023 йилдаги 79-сон буйруқлари билан амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/46-сон хулосаси).

*Ижтимоий самарадорлиги:* беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатилган. Олинган илмий натижаларни амалда татбиқ этиш тиббиёт муассасаларида профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволанишни жорий этиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 12000000 сўм бюджет маблағлари беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатиши ва профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволаш усулини тадбиқ этиш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* биринчи марта Ўзбекистон Республикасида гигант гипофиз аденомаларининг бўлиши 2021-2023 йилларга мўлжалланган тавсияномалар маълумотларига кўра ўрганилиб, гипоталамус-гипофиз-периферик ўқи ва гипофиз МРТ комплекс баҳолаш асосида ушбу беморларнинг хусусиятларини тавсифлашга имкон берадиган касалликнинг клиник ва диагностик мезонлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8 н-р /1531-сон билан тасдиқланган «Макро ва Гигант нофаол ўсмаларида Сомастотин аналоги (Сандостатин – Лар) қўлланилиши» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали бўйича 03.07.2023 йилдаги 6-сон ҳамда Наманган вилоят эндокринология диспансери 03.07.2023 йилдаги 79-сон буйруқлари билан амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/46-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатилган. Олинган илмий натижаларни амалда татбиқ этиш тиббиёт муассасаларида профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволанишни жорий этиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 12000000 сўм бюджет маблағлари беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатиши ва профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволаш усулини тадбиқ этиш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* гигант гипофиз аденомаларининг клиник манзарасининг хусусиятлари, асоратларнинг учраш тезлиги, спектри ва уларнинг асосий симптом комплексларини баҳолаш асосида агрессивликнинг клиник ва нейровизуал белгиларининг аҳамиятини таъкидлаш ва бошқарув алгоритмларини ишлаб чиқиш, ҳамда даволаш тактикасини танлаш ва касалликни башоратлаш имконини бериши асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8 н-р /1531-сон билан тасдиқланган «Макро ва Гигант нофаол ўсмаларида Сомастотин

аналоги (Сандостатин – Лар) қўлланилиши» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали бўйича 03.07.2023 йилдаги 6-сон ҳамда Наманган вилоят эндокинология диспансери 03.07.2023 йилдаги 79-сон буйруқлари билан амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/46-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатилган. Олинган илмий натижаларни амалда татбиқ этиш тиббиёт муассасаларида профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволанишни жорий этиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 12000000 сўм бюджет маблағлари беморни кузатиш динамикасида ўсма ўсишининг қайталанишини олдини олиш учун жарроҳликдан кейинги даврда беморларда Сандостатин Лар қўллаш самарадорлиги кўрсатиши ва профилактика хизмати сифатини яхшилайдиган даволаш усулини тадбиқ этиш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, адабиёт шарҳи, тадқиқот материаллари ва усуллари, 2 та боби тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, унинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти ва клиник амалиётга жорий этилиши таърифланган. Тадқиқот мавзусидаги нашрлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

I-БОБ **«Адабиёт шарҳи».** Ушбу бобда гигант ноафаол гипофиз аденомаларининг (НГА) тарқалиши, этиологияси, патогенези, клиник

кўринишлари, диагностика ва даволаш усуллари бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Боб тўртта кичик бобдан иборат:

Эпидемиологик хусусиятлар ва НАГ ривожланиш хавф омиллари.

Ўсиш ва инвазия механизмлари, молекуляр ва иммуногистохимик маркерларнинг (Ki-67, p53) роли.

Замонавий ташхис усуллари: нейровизуализация, гормонал ва иммуногистохимик таҳлиллар.

Даволаш усуллари: жарроҳлик ва дори воситалари асосидаги терапия.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, макро ва гигант НАГ билан оғриган беморларнинг қайталаниш хавфи ва медикаментоз даволаш самарадорлиги каби жиҳатлар ҳали етарлича ўрганилмаган. Бу эса ушбу тадқиқотнинг долзарблигини янада тасдиқлайди.

## **II бобда «Тадқиқот материаллари ва усуллари».**

Тадқиқот 2021–2023 йилларда макро ва гигант НГА тарқалиши ҳақидаги проспектив (151 бемор) ва ретроспектив (121 бемор) маълумотларнинг таҳлиliga асосланган. Маълумотлар Тошкент шаҳридаги учта етакчи тиббиёт марказидан олинди:

Акад. Ё.Х. Туракулов номидаги Республикали махсус илмий-амалий эндокринология маркази

Нейрохирургия илмий маркази

Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази

Жами беморлар сони: 272 киши.

Тадқиқотда академик Ё.Х. Туракулов номидаги ЎзРССВ РИИАТЭМ нинг нейроэндокринология бўлимида даволанган макро ва гигант НГА (эркаклар ва аёллар) билан касалланган 151 та бемор иштирок этди. Улар орасида 85 та эркак (56,3%) ва 66та аёл (43,7%) киритилган. Ўртача ёш эркаклар учун 48,12 ёшни, аёллар учун 46,15 ёшни ташкил этди. Касалликнинг давомийлиги 2 ойдан 5 йилгачани ташкил этди. Назорат гуруҳи тегишли жинс ва ёшдаги 20та беморлардан иборат эди.

Гипофиз аденомасининг хажмига кўра, проспектив беморлар (151 та бемор) 2 гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ-макро-НГА билан оғриган беморлар - 55 та;

2-гуруҳ-гигант НГА билан оғриган беморлар-96 та .

## ТАДҚИҚОТ ДИЗАЙНИ ВА УСУЛЛАРИ



**1-расм. Тадқиқот дизайни**


2-жадвалда беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши кўрсатилган (проспектив тадқиқот маълумотлари).

Худди шундай, гипофиз аденомасининг ҳажми жиҳатидан проспектив гуруҳ, ретроспектив беморлар (121 киши) ҳам 2 гуруҳга бўлинган:

1 - гуруҳ-макро-НГА билан оғриган беморлар - 52 та,

2-гуруҳ-гигант НГА билан оғриган беморлар, беморлар-69 та.

Жинси бўйича тақсимот: 71 эркак ва 50 аёл. Ушбу гуруҳ назорат сифатида ишлатилган.



**2-расм. Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши (проспектив маълумотлар, n= 151) ва (ретроспектив гуруҳи, n= 121)**

Барча беморлар куйидаги комплекс текширувлардан ўтган:

Офтальмологик таҳлил: кўз туби текшируви, кўриш майдонини баҳолаш (хар 3 ойда).

Гормонал таҳлил: СТГ, ИФР-1, ЛГ, ФСГ, АКТГ, ТТГ, пролактин, эркин тироксин, кортизол миқдорини аниқлаш.

Иммуногистохимик таҳлил: жарроҳлик орқали олинган тўқималарда Кi-67 ва p53 экспрессиясини ўрганиш.

Жарроҳликдан олдинги прогноз баҳолаш: илк бор АКУ шкаласи (2022) тадқиқотга жорий этилди.

#### **Статистик ишлов бериш усуллари.**

Маълумотлар Microsoft Excel ва STATISTICA 6 дастурларида қайта ишланган:

Квантитатив кўрсаткичлар ( $n > 12$ ) – Вилкоксон критерийси.

Кам сонли танламалар ( $n < 12$ ) – Фишер критерийси.

Сифатли ўзгарувчилар – Фишер-Ирвин аниқ критерийси.

Корреляция таҳлили – Спирмен усули.

Статистик аҳамиятлилиги  $p < 0,05$  деб қабул қилинган.

#### **III боб. тадқиқотларимиз натижалари ва уларни муҳокама қилиш.**

**§3.1. Гигант гипофиз аденомаларининг нейроэндокрин, гормонал ва офтальмологик асоратларининг хусусиятлари (проспектив тадқиқот маълумотлари).** Гигант нофаол гипофиз аденомалари (НАГ) бўлган беморларда нейроэндокрин бузилишларнинг турли клиник кўринишлари кузатилди. Энг кўп учрайдиган эндокрин асоратлар қуйидагиларни ташкил этди:

- Функционал гиперпролактинемия – 34 та ҳолат (91 та бемордан 37,4%);
- Иккиламчи гипогонадизм – 23 та ҳолат (88 та бемордан 26,1%);
- Пангипопитуитаризм – 6 та ҳолат (70 та бемордан 8,6%);
- Изоляцияланган ўсиш гормони танқислиги (ДГР) – 11 та ҳолат (56 та бемордан 19,6%);
- Иккиламчи аменорея – 22 та ҳолат (29 нафар аёлдан 75,9%).

Офтальмологик асоратлар ичида битемпорал гемианопсия 45 та ҳолатда (49 нафар бемордан 91,8%) аниқланди.


Камроқ учрайдиган асоратлар:

- Операциядан кейинги пангипопитуитаризм – 9 та ҳолат (11 та бемор);
- Иккиламчи остеопения – 5 та ҳолат (17 та бемор);
- Иккиламчи гипокортицизм – 45 нафар беморда қайд этилмади.

Неврологик бузилишлар энг кўп инвазив ўсишга эга беморларда кузатилди.

Мия тўқималарига шикаст етказувчи ўсмаларда:

- Диффуз мушак тонуси пасайиши – 0/4 ҳолат;
- Орал автоматизми симптомлари – 19/47 ҳолат;
- Ишемик инсульт – 2 ҳолат;
- Галлюцинациялар – 1 ҳолат.



**3-расм. 1 ва 2-гуруҳлардаги беморларда нейроэндокрин ўзгаришлар учраши**

Кузатувлар шуни кўрсатдики, 2-гуруҳдаги беморларда нейроэндокрин ва офтальмологик бузилишлар энг кучли кўринишда бўлиб, бу ўсма ҳажми билан бевосита боғлиқ.

**1-жадвал**

**1-гуруҳ беморларида плазма гормонларининг ўртача қиймати (n=55)**

Гормонлар	Ўртача қийматлар	P	Назорат	Нормал
ЛГ	1,58±0,4	<0,005	12,3±2,1	8.7 МЕ / л (6.0-12.0)
ФСГ	1,71±0,3	<0,005	8,2±0,3	6.1 МЕ/ л (1.0-8.0)
Пролактин	17,3±0,6	<0,005	5,3±0,5	5.7 нг / мл
эркин тестостерон	0,25±0,3	<0,005	29,2±9,5	8.69-54.69 нг/мл
АКТГ	42,5±3,5	>0,005	44,3±9,3	50 пг/мл гача
ИФР-1	523,6±7,4	>0,005	564,1±23,1	134-836 нг/мл
СТГ	0,77±0,01	<0,005	3,1±0,4	2-5 нг / мл
эркин тироксин	114,6±10,1	>0,005	112,9±13,6	60-160 нмол / л
Кортизол	643,3±12,6	>0,005	673,9±24,6	эрталаб нормал 260-720 нмол / л

Изоҳ: П-назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти

1-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 1-гуруҳ беморларида ЛГ, ФСГ, СТГ даражалари пасайган, пролактин эса юқори бўлган.

2-жадвалда 2-гуруҳ беморларида плазмадаги гормонларининг ўртача қиймати кўрсатилган.

**2-жадвал**

**2-гуруҳ беморларида плазма гормонларининг ўртача қиймати (n=96)**

Гормонлар	Ўртача қийматлар	P	Назорат	Нормал
-----------	------------------	---	---------	--------


ЛГ	0,69±0,03	<0,001	12,3±2,1	8.7 МЕ / л (6.0-12.0)
ФСГ	0,88 ±0,4	<0,001	8,2±0,3	6.1 МЕ / л (1.0-8.0)
Пролактин	11,18±0,7	<0,005	5,3±0,5	5.7 нг/ мл
АКТГ	25,7±7,9	<0,005	44,3±9,3	50пг/мл гача
ИФР-1	45,3±12,3	<0,005	564,1±23,1	Катталарда 134-836нг/мл
СТГ	0,68±0,01	<0,005	3,1±0,4	2-5 нг / мл
Эркин тироксин	102,6±16,3	>0,005	112,9±13,6	60-160 нмол/ л
Кортизол	190,2±22,1	<0,005	673,9±24,6	эрталаб нормал 260-720 нмол / л
Эркин тестостерон	12,4±1,1	<0,005	29,2±9,5	8.69-54.69 нг/мл

Изоҳ: П-назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти

2-гуруҳдаги беморларда пангипопитуитаризм ва иккиламчи гипокортицизм белгиларининг аниқ кузатилиши тасдиқланди.


**§3.2. Хиазмал-селляр қисмга шаклланишининг ўсиши ҳажми ва табиатига қараб беморлар гуруҳларининг хусусиятлари (нейровизуал тадқиқотлари маълумотлари).** 4-расмда МРТ натижалари қуйидагича тақсимланди:

- Параселляр инвазия – 76,4% (1-гурҳ), 81,3% (2-гуруҳ);
- Супраселляр тарқалиш – 81,8% (1-гурҳ), 51,0% (2-гуруҳ);
- Инфраселляр инвазия – 80% (1-гурҳ), 71,9% (2-гуруҳ);
- Мияга ўтган ҳолатлар – 18,2% (1-гурҳ), 26,0% (2-гуруҳ).



**4-расм. Беморларнинг МРТ хулосасига кўра гипоталамо-гипофизар соҳада ўсма ўсиш характери бўйича тақсимланиши**

Кносп бўйича ўсма ўсиш жихати:	
Ноинвазив	Инвазив
67 пациент	84 пациент
0 даража - йўқ	III даража - 44
I даража – 29	IV даража - 40
II даража - 38	
Харди бўйича ўсма ўсиш жихати :	
Симметрик	Асимметрик
A тип бўйича - 10	D тип бўйича - 38
B тип бўйича - 16	E тип бўйича - 58
C тип бўйича - 29	



**5-расм. Кносп ва Харди бўйича гипофиз аденомаси ўсиш томонлари топографик-анатомик таснифи бўйича беморларнинг тақсимланиши**

МРТ натижалари қуйидагича тақсимланди:

- Параселляр инвазия – 76,4% (1-гурҳ), 81,3% (2-гурҳ);
- Супраселляр тарқалиш – 81,8% (1-гурҳ), 51,0% (2-гурҳ);
- Инфраселляр инвазия – 80% (1-гурҳ), 71,9% (2-гурҳ);
- Мияга ўтган ҳолатлар – 18,2% (1-гурҳ), 26,0% (2-гурҳ).

Энг катта ўртача ўлчам  $44,7 \pm 13,6$  мм бўлиб, 40 ммдан катта макроаденомалар 68% беморларда учради.

Энг кўп неврологик асоратлар тотал ўсма тарқалиши бўлган беморларда қайд этилди.

### §3.3 Синтетик соматостатин аналог сандостатин-Ларнинг жаррохликдан кейинги даврда гигант гипофиз аденомаларини даволашда самарадорлиги

20 нафар бемор (10 нафар – терапия гуруҳи, 10 нафар – назорат гуруҳи) ўртасидаги натижалар.

#### 3-жадвал

#### Сандостатин-Лар билан ва бўлмаган НАҲ билан оғриган беморларнинг даволанишдан 3-6 ой ўтгач параметрлари динамикаси

Беморлар сони	ТАГ дан кейин гипофиз безининг катталиги	Зойда ТАГ дан кейин гипофиз безининг ҳажми	бойда ТАГ дан сўнг гипофиз безини ҳажми	СТГ ТАГ дан сўнг қонулиши	СТГ 3 ойда ТАГ дан сўнг	СТГ 6 ойда ТАГ дан сўнг	ТАГ дан сўнг ИФР-1-3 ойдан сўнг	ТАГ дан кейин ИФР-1 6 ойдан сўнг
Сандостатин-Лар билан ФБГА билан	2,5 x 2,0 x 1,8 см	2,4 x 2,0 x 1,7 см	2,3 x 1,9 x 1,8 см	1,1±0,4	1,4±0,2	1,4±0,2	254,8±12,2	267,6±11,2

оғриган беморлар (n= 10)								
Назорат (n= 10)	2,4 x 2,1 x 1,7 см	2,6 x 2,5 x 1,8 см	2,9 x 2,7 x 1,9 см	1,2± 0,06	1,3± 0,07	1,2± 0,04	312± 8,9	312±8,9
Стандарт	1.0x1.0x1.0			2-5нг / мл			200-400нг / мл	
P	<0,05	<0,05	<0,05	>0,05	>0,05	>0,05	>0,05	>0,05

Изоҳ: p-нормага нисбатан фарқларнинг аҳамиятидир.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Сандостатин-Лар қўлланган гуруҳда ўсма ўсиши тўхтаган ( $p < 0,05$ ), назорат гуруҳида эса ўсма катталашига мойил.

Шундай қилиб, бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатдики:

- Гигант НАГли барча беморларда нейроэндокрин бузилишлар кузатилди.
- Энг оғир гормонал ўзгаришлар тотал ўсма ўсиши билан боғлиқ.
- Сандостатин-Лар рецидив ўсишнинг олдини олишда самарали.

**IV боб. Иммуноцитокимёвий маълумотларининг қиёсий хусусиятлари ва ўрганилаётган гуруҳларда ўсма ўсишининг агрессивлигини белгилари.**

**§4.1. Макро ва гигант НГАлар бўлган беморлар гуруҳларида иммуноцитокимёвий маълумотларининг қиёсий хусусиятлари.**

Тадқиқотимизнинг кейинги Кейинги босқичда фаол булмаган гипофиз аденомалари (ФЭГА) бўлган беморларда иммуногистокимёвий (ИГХ) таҳлиллар ўтказилди. Ушбу тадқиқотга 2020–2022 йиллар оралиғида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг гипофиз нейрохирургия бўлимида трансназал аденомэктомия амалга оширилган 20 бемор жалб қилинди. Улардан 10 нафари макроаденома (ўлчами  $> 30$  мм), 10 нафари эса гигант аденома ( $\geq 40$  мм) гуруҳини ташкил қилди. Назорат гуруҳига соғлом гипофиз тўқимасига эга 10 нафар шахс киритилди.

Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг 12 нафари (60%) эркаклар, 8 нафари (40%) аёллар эди. Эркаклар ўртача ёши 48,1 ёш, аёлларники эса 46,2 ёшни ташкил қилди. Магнит-резонанс томографияси (МРТ) маълумотларига кўра, гигант НГА бўлган беморларда ўртача шиш диаметрлари  $44,7 \pm 13,6$  мм ни ташкил қилди.

Тадқиқот Ki-67 ва p53 маркерлари экспрессиясининг ишончли чегара қийматларини аниқлаш ҳамда уларнинг шишнинг агрессив ўсиши билан боғлиқлигини таҳлил қилишга қаратилди. Тадқиқот гуруҳларининг иммуногистокимёвий хусусиятлари 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**Ўрганилаётган гуруҳларнинг иммуногистокимёвий хусусиятлари**

Касалликнинг ташхисоти	1 гуруҳ – макро НГА – 10 шахслар билан беморлар	2 гуруҳ гигант НГА билан оғриган беморлар - 10 та
------------------------	---	---

Нол хужайра	8 (80%)	8 (80%)
P53		
>/3+	4 (40%)	5 (50%)
Ki 67		
>/2+	5 (50%)	6 (60%)
Клиник ва патологик тасниф		
1A	1 (10%)	1 (10%)
1B	1 (10%)	1 (10%)
2A	3(30%)	2 (20%)
2B	5 (50%)	6 (60%)

**5- жадвал**

**1-гурухдаги асосий кўрсаткичларининг статистик қийматлари, n=10**

Кўрсаткичлар	ОҚ	С	ЎХ	Юден индекси	Аниқлик Ишонч интервали %	ОҚ	ИИ	Р
Ki-67 Ижобий ядролари,%	≥ 4	0.91	0.95	0.89	95	4.8	3.7- 6.9	<0.001
p53 Ижобий ядролари,%	≥2	0.87	0.92	0.87	93	3.9	1.8- 4.5	<0.001
Инвазивлик	бор	0.86	0.53	0.45	66	4.3	3.9- 6.2	<0.001

Изоҳ: КKM - катта катталаштириш майдонлари, ОҚ-оралиқ қийматлари, Р-ишонч мезони, С-сезгирлик, ЎХ-ўзига хослик R- инвазивлик билан корреляция, ИИ-имкониятлар нисбати, ИО-ишонч оралиғи.

**6-жадвал**

**2-гурухдаги асосий кўрсаткичларининг статистик қийматлари, n=10**

Кўрсаткичлар	ЮKM	С	ЎХ	Юден Индекси	Аниқлик Ишонч интервали %	ОҚ	ИН	Р
Ki-67 Ижобий ядролари,%	≥ 3	0.93	0.90	0.84	93	4.5	3.9- 6.5	<0.001
p53 Ижобий ядролари,%	≥2	0.89	0.88	0.92	96	3.7	1.9- 4.8	<0.001

Инвазивлик	бор	0.88	0.56	0.50	68	4.8	3.6-5.9	<0.001
------------	-----	------	------	------	----	-----	---------	--------

Изоҳ: КKM - юқори катталаштириш майдонлари, ОҚ-оралиқ қийматлари, Р-ишонч мезони, С-сезгирлик, ЎХ-ўзига хослик R– инвазивлик билан корреляция, ИН-имкониятлар нисбати, ИО-ишонч оралиғи.

5 ва 6-жадваллардан кўриниб турибдики. жуда юқори ўзига хослик қиймати (95%/93 %) p53 оқсил экспрессияси  $\geq 2\%/ \geq 2\%$  (Юден индекси 0,87/0,92) жуда фойдали ва муҳим параметр эканлигини исботлайди. Шу билан бирга, ҳатто мутлақо салбий бўялиш натижаси ҳам ўсманинг агрессив/инвазив ўсиши эҳтимолини истисно этмайди, бу нисбатан паст сезувчанлик билан кўрсатилади [133].


Ўсма агрессивлигини баҳолаш мақсадида Ki-67 ва p53 иммуногистохимёвий маркерларининг клиник-патологик хусусиятлар билан боғлиқлиги ўрганилди. Натижалар қуйидагиларни кўрсатди:

- Ўсманинг максимал диаметри Ki-67 ( $p = 0.009$ ) билан ижобий корреляция қилди, лекин p53 билан эмас ( $p = 0.062$ ).
- Параселляр инвазия 80% ҳолларда аниқланган, аммо пролифератив маркерлар билан боғлиқ эмас.
- Параселляр инвазиянинг йўқлиги шиш барқарорлиги билан боғлиқ ( $p = 0.0389$ ).
- 2В-синфга мансуб пролифератив шишларда рецидив эҳтимоли юқори бўлди ( $p = 0.0127$ ).
- Инвазив ўсишНГА агрессив кечиши хавфини 8,2 марта оширди ( $p < 0.001$ ).

Шунингдек, Сандостатин-Лар самарадорлиги таҳлил қилинди:

- 3 (30%) беморда 3 ойда ўсма ҳажми камайди.
- 5 (50%) беморда ўсма барқарор ҳолатда қолди.
- 2 (20%) беморда қайталаниш кузатилди.
- Ki-67 < 2% бўлган беморларда ўсма ҳажми камайган, Ki-67 > 4% бўлганларда эса қайталаниш қайд этилган.

**§4.2. Нисбий хавф (RR) ҳисоб-китоблари ва кўп ўзгарувчан таҳлил ёрдамида НГА ўсишининг агрессивлигини башорат қилиш.** Бундан ташқари, биз Ki-67, p53 маркерларни клиник ва патологик хусусиятларини ўзаро боғлиқликни ўргандик. (6-расм). Ўсма ўсишининг қайталаниши учун интеграл баллни ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар 7-расмда келтирилган. Амалдаги таҳлил Ki-67  $\geq 4\%$  (OR=3.67), мия инвазия (3.34), супраселляр инвазия (OR= 3.24), касаллик давомийлиги (3.18)ни кўрсатди. Ўсманинг такрорий ўсишини ривожланишида генетик мойиллик асосий аҳамият касб этади. НГА ирсий омилининг частотаси 78,78% (OR=2,51).



**6-расм. Тадқиқот гуруҳларининг иммуногистокимёвий хусусиятлари**

НГА		%	НИП	ОР	ИО	мин	макс
Ишончлилик индекси p53 ≥ 2 %;	бор	69,98	2,998	2,34	4,06	1,09	3,67
	йўқ	53,87	1,543	1,04			
Ишончлилик индекси Ki-67 ≥ 4 %	бор	88,24	3,078	3,67	4,76	1,23	3,98
	йўқ	53,12	1,342	1,26			

НГА		%	НИП	ОР	ИО	мин	макс
пангипопитуитар изм	бор	75,28	0,812	2,19	3,11	1,07	1,09
	йўқ	55,21	1,544	1,07			
амавроз	бор	52,34	0,918	1,67	1,12	1,08	3,78
	йўқ	50,45	1,155	1,07			
Ўсма хажми 3 см дан юқори	бор	87,45	0,967	2,56	3,02	1,03	3,34
	йўқ	54,23	1,454	1,05			
ўзақ симптомлар	бор	76,45	0,823	2,28	3,02	1,03	3,09
	йўқ	56,23	1,244	1,9			


**7-расм. Жаррохликдан кейинги даврда ўсманнинг қайта ўсиши учун хавф омилларини комплекс таҳлил қилиш**

Шундай қилиб;

Ki-67 ≥ 4% энг ишончли пролифератив маркерлиги аниқланди.

Проллифератив аденомалар 54% ҳолларда рецидив хавфи юқори эканлигини кўрсатди.

Супраселляр инвазия, Ki-67 индекси ва қасаллик давомийлиги рецидивни башорат қилишда муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланди.



**8-расм. Макро ва гигант гипофиз ўсмаласи бўлган беморларни кузатув мониторинги**

Диапазон ости	Диапазон ости ўлчами	Диапазон ости башорати
	<b>НГА</b>	
<b>Кам эҳтимоллик</b>	<b>19, 76 гача</b>	<b>Яхши натижа</b>
<b>Ўрта эҳтимоллик</b>	<b>20,0-44,59</b>	<b>Диккат</b>
<b>Юқори эҳтимоллик</b>	<b>45,0 ва юқори</b>	<b>Яхши бўлмаган натижа</b>

**9-расм. Ўсманинг қайталаниш хавфи эҳтимол даражаси бўйича чекловлар**

### ХУЛОСАЛАР

1. Нофаол гигант аденома билан хасталанган беморларнинг аксарият кўпида функционал гиперпролактинемия (62%/92%), иккиламчи гипогонадизм - (42%/92), пангипопитуитаризм (10%/73%), гипопопитуитаризм (СТГ, ЛГ,ФСГ) -(89%/70%), битемпорал гемианопсия (82%/51%), иккиламчи аменорея - (40%/30,5%), изоляция қилинган ЎГТ

(20%/58%) ва эндокрин энцефалопатия – (16%/27%), семизлик-(20%/278%) холатларда гуруҳларида 1 ва 2 гуруҳларда кузатилди .

2. Гигант гипофиз аденомаси бўлган барча беморларда турли даражадаги нейроэндокрин касалликлар мавжуд бўлиб, улар гипофиз ўсмаси ўсиши билан ёмонлашади. Ўзгаришларнинг табиати бир қатор эндокрин (гипопитуитаризм, пангипопитуитаризм, бепуштлиқ, аменорея), неврологик (пирамидал аломатлар, мушак тонусининг диффуз пасайиши, краниал нервларнинг шикастланиши, патологик рефлекслар), офтальмологик симптомлар (битемпорал гемианопсия, скотомалар, амаувроз) ўсманинг ён томонга қараб ўсишига ва унинг ҳажмига боғлиқдир. Гигант НГА ва инвазия билан ўсманинг тотал ўсиши бўлган беморларда энг яққол нейроэндокрин, неврологик ва офтальмологик касалликлар кузатилди.

3. НГА қайталанувчи ўсма ўсишини ривожланишида энг катта аҳамиятни ўқланган Ki-67  $\geq 4\%$  (ХО = 3,67), миёга инвазияси(3.34), супраселляр инвазия (ХО= 3.24) касалликнинг давомийлиги муҳим рол ўйнайди. Генетик мойиллик ҳам касалликнинг қайталанишида муҳимдир. НГА Аирсий омилининг частотаси 78,78% (ХО=2,51).

4. Биз p53 (2 %; ИИ: 0.94) ва Ki-67 маркери (4%; ИИ: 0.98) учун муҳим чегараларни аниқладик. Макро НГА ва гигант НГА фарқлаш учун энг ишончли индивидуал маркер Ki-67  $\geq 4\%$  ўқланган индекси эди (ИИ: 0.98). Логистик регрессион таҳлил (ЛРА-LRA) барча 3 та мезонларни (Ki-67 ( $p < 0.001$ ); ёки ИХ 5.2// p53 ( $p < 0.001$ ); ёки ИХ 3.1/ / инвазивлик ( $p < 0.001$ ); ёки ИХ 8.2)) гигант ФБГАлар билан гуруҳ учун муҳим эди ва улар ўртасида сезиларли корреляция топилди ( $p < 0.001$ ). Гигант гипофиз аденомаси бўлган барча беморларда параселляр боғлиқлиги аниқланди ( $p = 0,0389$ ; Пирсон қолдиғи = +3).

5. Сандостатин- Лар билан даволанган 10та беморда ГАТдан 3 ой ўтгач, гипофиз безининг ўртача ҳажмининг барқарор сақланиши кузатилади. 2-гуруҳда-Сандостатин –Лар сиз ўсма ўсиши тенденцияси мавжуд ( $p < 0,05$ ).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ЭНДОКРИНОЛОГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА Ё.Х ТУРАКУЛОВА**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ  
ИМЕНИ АКАДЕМИКА Ё.Х ТУРАКУЛОВА**

**МИРТУХТАЕВА МАЛИКА БАХТИЯРОВНА**

**ГИГАНТСКИЕ АДЕНОМЫ ГИПОФИЗА,  
КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ,  
ФАКТОРЫ РИСКА И ВОПРОСЫ ЛЕЧЕНИЯ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**ТАШКЕНТ–2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2021.4.PhD/Tib2210.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эндокринологии имени академика Ё.Х.Туракулова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого Совета ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Урманова Юлдуз Махкамовна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Шагазатова Барно Хабибуллаевна</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Насирова Хуршида Кудратуллаевна</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эндокринологии имени академика Ё.Х. Туракулова. (Адрес: 100125, г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Мирзо Улугбек, дом 56. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии имени академика Ё.Х. Туракулова (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100125, г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Мирзо Улугбек, дом 56. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 г.)

**З.Ю. Халимова**

Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**У.А. Мирсаидова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD)

**Г.А. Алимухамедова**

Председатель семинара при Ученом совете по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Неактивные аденомы гипофиза (НАГ) представляют собой значимую клиническую проблему, связанную с поздней диагностикой, высоким риском рецидивов и недостаточной разработанностью тактики ведения пациентов. Эти опухоли могут достигать значительных размеров, приводя к компрессии окружающих структур головного мозга и нейроэндокринным нарушениям. Согласно современным данным, частота рецидивов после хирургического удаления гигантских НАГ достигает 30–40% [Caretto A, Lanzi R, 2017]. Отсутствие единых стандартов пред-, пери- и послеоперационного ведения, в том числе оптимальной стратегии мониторинга остаточной опухолевой ткани, требует дальнейшего изучения данной проблемы. [Aflorei ED, Korbonits M., и др. 2014].

Согласно последним эпидемиологическим данным, предполагаемая распространенность НАГ составляет 7 до 41,3 случаев на 100 000, населения, а годовая заболеваемость составляет 0,65–2,34 на 100 000. [Balogun JA, Monsalves E, Juraschka K, и др. 2015; Basolo F, Macerola E, Poma A.M., и др. 2023.]. Согласно классификации ВОЗ (2017), НАГ подразделяются на восемь подтипов, однако четкая корреляция между гистопатологическими характеристиками и клиническим поведением опухоли остается неясной [Esposito D, Olsson DS, Ragnarsson O., и др. 2019].

Во всем мире проводятся ряд целенаправленных научных исследований по изучению молекулярно-генетических основ развития неактивных опухолей гипофиза, факторов, влияющих на развитие агрессивного течения, разработке альтернативных методов лечения неактивных опухолей гипофиза, резистентных к лечению аналогом соматостатина – терапией Сандостатином ЛАР. В связи с этим были проведены исследования, направленные на выявление проблем ассоциации неактивных опухолей гипофиза с особенностями роста повторной опухоли, уровнем ее инвазивности, изменением соотношения ядерной экспрессии Ki-67, p53, их информативности, а также роли иммуноцитохимических и иммуногистохимических факторов в развитии неактивных опухолей гипофиза и их эффективность в качестве прогностического фактора.

В Узбекистане проводятся масштабные реформы, направленные на развитие эндокринологической службы, включая совершенствование диагностики и лечения нейроэндокринных заболеваний. Настоящее исследование соответствует приоритетным задачам республиканской науки и техники в области медицины и фармакологии, а также положениям стратегических государственных программ.

Настоящее диссертационное научное исследование направлено на решение задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, №УП-102 «О мерах по совершенствованию и расширению

масштабов эндокринологической службы» от 26 января 2022, №УП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения Республики Узбекистан» от 25 мая 2021 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития республиканской науки и техники.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетами развития науки и техники республики IV «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Аденома гипофиза (АГ) – составляют 7,3–18% всех опухолей головного мозга и преимущественно диагностируются у лиц трудоспособного возраста [Файзуллаев Р.Б., 2009; Пацко Я.В., Гук А.Н., Плавский Н.В., 1986]. Современная классификация ВОЗ выделяет пять категорий аденом гипофиза с повышенной агрессивностью, включая молчащие кортикотрофные опухоли и плюригормональные Pit-1-позитивные аденомы [Basolo F, Macerola E, Poma AM, 2023]. Однако до сих пор отсутствуют надежные иммуногистохимические маркеры, позволяющие прогнозировать инвазивный рост и рецидивирование опухолей.

В Узбекистане вопросы диагностики и лечения НАГ исследовались проф. Халимовой З.Ю., а аспекты фертильности и эндотелиальной дисфункции изучались Насыровой Х.К. и Холовой Д.Ш. соответственно. Однако до настоящего времени не разработан алгоритм коррекции гормональных нарушений в послеоперационном периоде у пациентов с макро- и гигантскими НАГ с учетом их иммуногистохимических характеристик.

Все вышеперечисленное послужило причиной для данного исследования.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ, научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертация выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Республиканского Специализированного Научно-Практического Медицинского Центра Эндокринологии МЗ РУЗ имени академика Ё.Х. Туракулова.

**Цель исследования** - Изучить клинико-диагностические особенности гигантских НАГ и определить роль факторов риска в их росте и рецидивировании.

**Задачи исследования:**

Оценить нейроэндокринные нарушения при различных направлениях роста гигантских НАГ;

Определить влияние гистологического строения, направления роста аденомы гипофиза, ее ультраструктуры, данных МРТ и других маркеров агрессивности на способность к агрессивному росту;

Изучить роль Ki-67 и ядерной экспрессии p53 в прогнозировании рецидивов гигантских НАГ;

Оценить эффективность терапии препаратом Сандостатин-Лар в послеоперационном ведении пациентов с гигантскими НАГ.

**Объектом исследования** явились 151 больных с подтвержденным диагнозом аденома гипофиза (МКБ10D35.2), проходившие лечение в РСНПМЦЭ имени акад. Ё.Х. Туракулова в 2021–2023 гг..

**Предмет исследования:** постоперационный материал гипофиза (макропрепарат) для проведения ИГХ, а также сыворотка крови для гормональных и биохимических исследований.

**Методы исследований.** В диссертации применены клиничко-биохимические анализ, гормональные исследования, иммуногистохимическое исследование, магнитно-резонансную томографию (МРТ) и статистический анализ.

**Научная новизна:**

на основании оценки клинической картины и нейровизуальных характеристик макро-и гигантских неактивных аденом гипофиза было показано, что ядерная экспрессия маркеров Ki-67 и p53 предсказывает рецидивирующий рост макро-и гигантских неактивных аденом гипофиза

Сандостатин-Лар характеризуются более длительным действием в ингибировании секреции гормона роста передней доли гипофиза, эффективность препарата при лечении гигантских неактивных аденом гипофиза была впервые доказана

на основе комплексной МРТ-оценки гипоталамо-гипофизарно-периферической оси и гипофиза разработаны клиничко-диагностические критерии заболевания, позволяющие охарактеризовать характеристики больных с гигантскими аденомами гипофиза;

основанный на оценке особенностей клинической картины гигантских аденом гипофиза, частоты возникновения осложнений, спектра и их основных симптомокомплексов, что позволяет подчеркнуть важность клинических и нейровизуальных симптомов агрессивности и разработать алгоритмы ведения, а также выбрать тактику лечения и прогнозирование течения заболевания.

**Практическая значимость исследований.** Результаты исследования позволяют:

оптимизировать диагностику гигантских НАГ на основе клиничко-неврологических, эндокринных и МРТ-параметров ;

улучшить прогнозирование инвазивного роста и рецидивирования опухоли на основе Ki-67 и p53;

внедрить в клиническую практику схемы медикаментозного ведения пациентов после хирургического удаления гигантских НАГ;

разработать алгоритмы диагностики и лечения осложнений (дисгормональных, нейроэндокринных, офтальмологических).

**Достоверность результатов исследования.** Достоверность исследования подтверждена объективными клиническими и лабораторно-инструментальными данными, статистическим анализом и сравнением с результатами отечественных и зарубежных исследований.

**Научная и практическая значимость работы.** Научная значимость исследования заключается в определении роли маркеров Ki-67, ядерной экспрессии p53 в прогнозировании инвазии и рецидива роста макро- и

гигантских неактивных аденом гипофиза, а также лечения аналогами соматостатина (Сандостатин-Лар). Выполнен интегральный анализ факторов риска инвазии и рецидива роста у больных с макро- и гигантскими неактивными аденомами гипофиза.

